ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА КАР ВА ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎҚИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ферузахон Усмановна Қодирова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессор в.б.

Нодирбек Умаралиевич Кенжаев
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, тамойиллари, қоидалари келтириб ўтилган. Бундан ташқари замонавий технологияларни қўллаш орқали муайян дарсларда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг фаолиятларини самарали ташкил этишнинг имкониятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: инклюзия, уйғунлашиш, алоҳида эҳтиёжли бола, шароит, тамойил, қоида, муҳофаза, индивидуаллаштириш, дифференциаллаштириш, мақсад, натижа, фаолият.

FACTORS AFFECTING THE DEARING OF DEAF AND DISABLED CHILDREN IN INCLUSIVE EDUCATION

Feruzakhon Usmanovna Kodirova
Professor, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Nodirbek Umaralievich Kenjaev
Teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article provides legal aspects, principles of inclusive education. In addition, the possibilities of innovative approaches in organizing the activities of students in individual lessons are revealed.

Keywords: inclusion, child with special needs, condition, principles, rules, protection, differentiation, individualization, goal, result, activity.

КИРИШ

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг ривожланганлиги ногиронлиги бўлган болаларга инклюзив таълимни ташкил этиш сифати билан баҳоланмоқда.

Инклюзив таълим – (инклюзия – инглизча inclusion- уйғунлашиш) ҳамкорликдаги таълим бўлиб, бутун дунё ҳамжамияти томонидан энг инсонпарварлик

Инклюзив таълим бу, шундай таълим-тарбия жараёни-ки, унда жисмоний, рухий, ақлий ва бошқа муаммоларидан қатъий назар БАРЧА болалар умумий тарзда, ўз уйи, оиласи ва ҳудудида, эҳтиёжларига мос **барча** шароитлар яратилган мактабларда, ўз тенгқурлари билан бирга таълим олиши демакдир. Демак, **инклюзив таълимнинг мақсади** алоҳида эҳтиёжли болаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, умумтаълим муассасаларида тўлақонли таълим олишларини таъминлаш, таълим муассассаларида ҳар бир бола учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади. Шароитлар болаларнинг уйдан мактабга қатнови билан, дарсда ўзини қулай хис қилиши билан, ўқув фанларини ўзлаштиришга имкон берувчи воситаларга эгалиги билан, дарсдан ташқари пайтларда ўз қизиқишлари доирасида фаолият билан машғул бўлиш имкониятларига эгалиги билан, саломатлигига ҳеч бир хавфнинг мавжуд эмаслиги билан тавсифланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кундаги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришлар билан ҳам ҳамоҳангдир. Ҳар соҳадаги каби ногиронлиги бўлган болалар таълимида ҳам жаҳоннинг илғор тенденциялари асосида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Соғлом болалар билан бир қаторда у ёки бу алоҳида эҳтиёжлари бор болаларнинг ўқишини боланинг ноёб ҳамда яширинган имкониятлари учун мос ташкил этиш мақсадида ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, бир қатор қонунлар қабул қилинди ва уларда бола ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” Конвенция (20 ноябрь 1989 йил БМТ томонидан қабул қилинган)ни ратификация қилди. Ушбу Конвенция БМТнинг болаликни муҳофазалаш борасидаги энг универсал ҳужжатидир. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги Қонунида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва бошқа қатор ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга вазифаларни ифатт

амалга ошириш кафолатлаб қўйилган. Бундан ташқари охирги 5 йил мобайнида таълимни ислоҳ қилиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш орқали фаровон ҳаёт кечириш шароитини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими тизимининг 2030 йилгача ривожлантириш концепциянинг тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712 сонли фармонлари, 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4860-сонли қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар мазмунида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига таълим хизматининг мослашган турларини, дифференциал ёндашувларга асосланган тизимини жорий этиш белгилаб қўйилган. Жумладан, Халқ таълимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси 1-боб 2-банднинг 3-хатбошида: ўқитиш методикаларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига **индивидуаллаштириш** тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш; 3-боб 8-бўлим (д) бандида имконияти чекланган болаларга таълим хизматлари сифатини яхшилаш, ушбу банднинг 8-хатбошида имконияти чекланган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олишига бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Инклюзив таълимнинг бош ғоясини қуйидаги стратегия ташкил этади: “Замонавий мактабда бола таълимга эмас, таълим бола имкониятларига мослаштирилади”.

Инклюзив таълим тамойиллари қуйидагилар:

1.Таълим сифатини баҳоловчи индикаторлар бола имкониятларига мўлжал олади.

2. Ўқувчи қандай жавоб берди? эмас, қандай иштирок этди? саволи асосида рефлексив муҳит яратилади.

3. Индивидуал ёндашув ўқувчининг ўзлаштириш ҳусусиятига нисбатан танланса, дифференциал ёндашув ўқув топшириқларининг мураккабликка кўра даражаланишига нисбатан қўлланилади. Адаптивлик вариативлик билан уйғунлашади.

4. Ўқитувчининг импровизацион фаолияти мослашувчан трансформацион муҳит яратишга йўналтирилади.

5. Рағбатлантириш ўқувчиларни топшириқ билан банд қилишдан олдин юради. Муҳим қоида “Сенинг имкониятинг чекланганлиги учун эмас, сен бунга қодирсан”–шиори остида таълим жараёни ташкил этилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инклюзив таълимга нутқи ва эшитиб идрок этиш кўникмалари ривожланган ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ўқувчиларининг жалб этилиши ҳам бу амалиётнинг бир шакли сифатида танланмоқда. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ўқувчиларинингнутқи ва эшитиши устида сифатли иш олиб борилсагина улар маълум босқичдан сўнггина инклюзив таълимга жалб этилиш имкониятига эга бўлади. Агар кар болада нутқ етарли даражада шаклланмаган ва эшитиб идрок этишга мослашмаган бўлса, мазкур ўқувчининг инклюзив таълимда ўқув фанларини ўзлаштириши қийин бўлади. Шу боис қуйида кар ва заиф эшитувчи болалар нутқи ва эшитиши устида ишлашга мўлжалланган якка машғулотларнинг ташкил этилиши ва мазмунига оид методик тавсиялар келтирилади.

Якка машғулотлар ўқувчиларда эгаллаётган тил таркибида мавжуд товушларни овоз кучайтирувчи аппаратлар ёрдамида ёки уларсиз эшитиш, кўриш, тери-туюш сезгилари орқали сездирган ҳолда талаффуз кўникмаларини шакллантиришга ҳамда қолдиқ эшитиш идрокини ривожлантиришга ҳизмат қилади.

Якка машғулотларнинг вазифалари:

1. Ўқувчиларнинг товушли ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш.
2. Эшитув сезгисини ўқитиш жараёнига ва атрофдагилар билан мулоқотга йўналтириш.
3. Ўқувчилар сўзлашув нутқини ривожлантириш, талаффузини шакллантириш бўйича педагогик жараёнга ҳамкорлик қилиш.

Кар ва заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатларида якка машғулотлар 2 та қисмга бўлиниб ташкил этилади.

1-қисмда ўқувчиларнинг талаффузи устида 10 дақиқа, 2-қисмда ўқувчиларнинг қолдиқ эшитиши устида 10 дақиқа иш олиб борилади.

Ўқувчиларнинг нутқий кўникма ва малакаларини ривожлантиришда машғулотлар якка ва ялпи (фронтал) тарзда ташкил этилади.

Эшитишни ривожлантириш бўйича фронтал машғулот турлари:

1.Ўқувчиларда эшитиш қолидиғидан максимал фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича машғулотлар. Ушбу

машғулотларда ўқувчилар товушларнинг манбаини фарқлашга, нутқий материал ҳарактери (ўғил бола товуши, қиз бола товуши, чақириқли нутқ, маслаҳат шаклидаги секин оҳангли нутқ, оталар нутқи, оналар нутқи, ёрдамга чақириш мазмунидаги нутқ...)ни аниқлашга ўргатилади. Машғулот учун ўқув материаллари кундалик ҳаётда кўп учрайдиган нонутқий воситалар (соат, телефон, ошхона жихозлари, машина сигнали ва унга хос бошқа овозлар, қурилиш ишлари овозлари, мусиқа воситалари ва б. .)ни эшиттириб фарқлатишга мўлжалланган мавзулардан ташкил топади.

2.Эшитиш ва эшитиб фарқлашга ўргатувчи аралаш машғулотлар. Ушбу машғулотнинг аралаш деб номланишига сабаб, унинг мазмунини нонутқий товушларни фарқлатишга ундовчи топшириқлардан ташқари ўқув фанларига оид сўзлардан ташкил топган нутқий материал ҳам ташкил этади.

3.Ўқувчиларнинг эшитиш идроки устида олиб борилган коррекцион жараённи мониторинг қилиш, уларнинг эшитиб-фарқлаш бўйича имкониятларини таҳлил қилиш, эшитиш динамикасини таққослашга мўлжалланган назорат машғулотлари. Мазкур машғулотлар одатда ўқув йилининг боши ва охири ҳамда ҳар бир катта бўлимдан сўнг ўтказилади.

Машғулотларда кенг қўлланиладиган иш турлари қуйидагилар:

-товуш манбаини аниқлаш;

-товуш йўналишини аниқлаш;

-сўзнинг товуш-бўғин ва ритмик таркибини фақрлаш.

Якка машғулотларда ўқувчиларга ўқув материаллари 3 усулда берилади.

Биринчи усулда нутқий материаллар **фақат қулоққа** (режалаштирилган масофаларда, бу масофалар яқиндан узоққа қараб ўзгариши лозим) берилади. Бу иш усули “**Экрандан**” деб номланади ва натижаларни акс эттиришда ҳам “**Э”** ёки –экран- деб ёзиб борилади.

Иккинчи усул нутқий материал **эшитиб-кўришга** берилади. Яъни ўқувчилар ўзига қарата айтилган мурожаатни лабдан ўқиб ҳам эшитиб фарқлашга берилади. Ушбу усул натижасида олинган натижалар **“ЭК**” деб акс эттирилади.

Учинчи усул **кўриш**, яъни сўзлар карточкада ёки унинг маъноси акс этган расм орқали намойиш этилади. Бу усул кар ва заиф эшитувчи болаларда чуқур муаммолар бўлганда ёки боланинг нутқи жуда камбағаллигида фойдаланилади. Ушбу усул аксарият ҳолларда турли эшитиш чегарасига эга ўқувчи учун маъноси тушунарли бўлмаган сўзларни эшиттиришда ҳам қўлланилади.

Кар ва заиф эшитувчи болалар билан олиб бориладиган якка машғулотлар жараёнида асосий омил бўлиб, эшитиш орқали нутқни қабул қилиш имконияти

ҳисобланади. Кар болада эшитиш муаммоси чуқурлиги сабабли, у нутқни мустақил эгаллай олмайди. Кар болалар билан олиб бориладиган коррекцион машғулотларда товуш тебранишларини ҳаво-суяк орқали ҳис қилдириб, тери-туюш орқали сездириб фарқлаш устида ишланади. Шунинг учун аксарият ўқитувчилар кар болаларга товушларни қўйишда тери орқали сезиш, ҳавони ҳис қилишга таянадилар. Ҳозирги кунда овоз кучайтириб берувчи аппаратлар мавжуд бўлмаган вазиятларда ҳам кар болаларга товушни сездириш орқали қўйиб, сўз ва жумлаларни лабдан ўқиттирган ҳолда ўқувчиларда нутқий мулоқот кўникмаларини шакллантириш тажрибаси кенг қўлланилмоқда.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлар коррекцион машғулотларни ташкил этишда ўқувчиларнинг эшитиши ва эшитиш қолдиғидан максимал фойдаланишнинг аҳамиятини очиб беради. Яъни коррекцион машғулотларда ўқитувчилар болаларнинг эшитиши устида ишлаш жараёнини тўғри ташкил этиши лозим. Яъни ўз номи билан “Эшитиш идрокини ривожлантириш” машғулоти ўз вазифаларини бажариши мақсадга мувофиқдир. Агар бу каби машғулотлар тизимли олиб борилса, бу жараёнга оилаларни ҳам тайёрлаб борилса, кар ва заиф эшитувчи болаларнинг нутқи тушунарли бўлади. Улар ўқув маткриалини англашга ўрганадилар. Ўқув фанларини ўзлаштириш учун луғат жиҳатдан тайёр бўладилар.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.-№6(766)-70-модда, -Т.: Адолат, 2017.-Б.38.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. ҚҲММБ: 06/19/5712/3034-сон.
3. Қодирова Ф.У. Uzluksiz ta’limda innovatsion metodik xizmatni tashkil etishning o‘ziga xos xususiyatlari. “Халқ таълими” журнали, 2020 йил 5-сон. 42-46-бетлар.
4. Кадырова Ф.У., М.Ф.Джураева. Технология дополнительных занятий в обучении младших школьников учителем-дефектологом. «Узлуксиз таълим», 2020, 4-сон. 86-90-б.
5. Qodirova F.U. Methodical cluster - an innovative mechanism to increase the

efficiency of general secondary and inclusive education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*
http://www.idpublications.org/ejrres-vol-8-no-8-2020-part-iii/
6. Қодирова Ф.У. Рақамли педагогика-истиқбол бугундан бошланади: имкониятлар, стереотиплар, келгуси режалар .Журнал. Замонавий таълим.2020. №8-сон. 4-9 бетлар.
7. Ismailova Dilafruz Muhiddinovna. (2020). Цели современного образования, формирующие требования к преподавателю. *Журнал научных и прикладных исследований*, (11), 12-14.
8. Ismoilova Dilafruz Muxiddinovna. (2020). Educational forecasting as a scientific and pedagogical problem. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(6), 42-47.
9. Jabbor Usarov. (2019, June). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, *15*(1), 272-274.
10. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(4), 4087-4095.
11. Jabborova Onakhon Mannopovna. (2019). Psychological and Pedagogical Foundations of the Formation of the Artistic Perception of Students in Secondary Schools. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *7*(10), 9-14.
12. Jabborova Onaxon Mannopovna, & Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, May). Optimization of primary education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(5), 1229-1232.